

ISSN: 2181-9416



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
LIBRARY.RU

ISSN 2181-9416
Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

5 СОН, 2 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 5, ВЫПУСК 2

LAWYER HERALD

VOLUME 5, ISSUE 2



TOSHKENT-2022

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

1. ҚОДИРОВ Умиджон Абдимуратович ДАВЛАТНИНГ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТИ ВА ФУНКЦИЯСИНинг АЛОҚАДОРЛИГИ.....	8
---	---

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

2. ЙЎЛДОШЕВ Азизжон Эргаш ўғли ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ОЧИҚ ҲАЙЪАТ МАЖЛИСЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ.....	17
3. МАХКАМОВ Дурбек Нематович ЎСИМЛИК ДУНЁСИ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ДАВЛАТ КАДАСТРИ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	25
4. ИЛҲОМЖОНОВ Бахромжон Махкамжонович НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	31
5. РАХМОНОВ Бекзод Хасанович ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРНИ БАҲОЛАШ АМАЛИЁТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	39
6. РЎЗИЕВ Аҳрор Икромович НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ ТАРТИБГА СОЛИШ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	46

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

7. ОДИНАЕВ Адҳам Саъдуллоевич НЕУСТОЙКА ҚЎЛЛАШНИ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	52
8. ЮЛДАШОВ Абдумумин Абдугопирович ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК, АЛОҚА ВА АХБОРОТ СОҲАСИДАГИ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРДА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА ДОИР НОРМАЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	58
9. ЯКУБОВ Аҳтам Нусратуллоевич РАҚАМЛИ АКТИВНИ ТУШУНИШ БЎЙИЧА ДОКТРИНАЛ ЁНДАШУВЛАР ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА.....	65
10. САИДОВ Максудбек Норбоевич ВОПРОСЫ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ ПРАВ УЧАСТНИКОВ НЕПЛАТЕЖЕСПОСОБНОГО ОБЩЕСТВА С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ.....	75
11. БОЗАРОВ Сардор Сохибжонович СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДОИРАСИДАГИ АХЛОҚИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТУСДАГИ МАСАЛАЛАР.....	84

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

12. САИДБЕКОВ Бобурбек Рустамбекович

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ХУСУСИЙ МУЛК МУҲОФАЗАСИ ВА ХАБЕАС КОРПУС
ИНСТИТУТИ ДОИРАСИДА МУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ 90

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

13. ПОЛВОНОВ Нажмиддин Аслиддинович

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МОЛ-МУЛКИ МУСОДАРА ҚИЛИНИШИ МУМКИН БЎЛГАН
ШАХСЛАР ДОИРАСИ 97

14. ТОШЕВ Отабек Содиқович

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИГА АЙБГА ИҚРОРЛИК ТЎҒРИСИДА КЕЛИШУВ ИНСТИТУТИНИНГ
ЖОРИЙ ЭТИШ МАҚСАДИ ВА ИЖТИМОИЙ ЗАРУРАТИ 103

15. РОМАДАНОВА Таисия Александровна, МУХАМЕДЖАНОВА Мадина

Махкамжановна

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТЕХНОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАР ИЗЛАРИНИНГ ТРАСОЛОГИК
ЭКСПЕРТИЗАЛАРИНИ ЎТКАЗИШДА ПРОФИЛАКТИК ФАОЛИЯТ 111

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

16. СУЛАЙМАНОВ Одилжон Раббимович

СУДЬЯЛАРНИНГ ХОЛИСЛИГИ ДЕМОКРАТИЯ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИ..... 115

17. ОТАЖОНОВ Абдоржон Анварович, БАРАТОВА Дилноза Одилжон қизи

МЕҲНАТКАШ-МИГРАНТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ
ЎЗИГА ХОС СУБЪЕКТЛАРИ СИФАТИДАГИ МАҚОМИ..... 125

18. АЪЗАМХУЖАЕВ Умидхон Шавкат угли

МЕЖДУНАРОДНОЕ ДОГОВОРНО-ПРАВОВОЕ РАЗВИТИЕ ТРАНСПОРТНОЙ СЕТИ
ВЕЛИКОГО ШЕЛКОВОГО ПУТИ..... 134

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ТОШЕВ Отабек Содиқович

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот
институтининг бўлим бошлиғи

Email: otabek_toshev@inbox.ru

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИГА АЙБГА ИҚРОРЛИК ТЎҒРИСИДА КЕЛИШУВ ИНСТИТУТИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИШ МАҚСАДИ ВА ИЖТИМОЙ ЗАРУРАТИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ТОШЕВ О.С. Жиноят процессига айбга иқрорлик тўғрисида келишув институтининг жорий этиш мақсади ва ижтимоий зарурати // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2022) Б. 103-110.

 5 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-5-13>

АННОТАЦИЯ

Мақолада муаллиф томонидан айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институтининг жорий этиш мақсади ва ижтимоий зарурати, ушбу институтнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилиниб, айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув борасида қонунчиликдаги асосий қоидалар, айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув тартибида иш юритишнинг аҳамиятли жиҳатлари ҳамда мазкур институтнинг ижобий ва салбий томонлари ўрганилган. Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни тузишда суднинг роли, “айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув”, “ҳамкорлик тўғрисидаги келишув” ва “суд ишларининг қисқартирилган шакллари” каби тушунчалар ўртасидаги фарқлар ва уларнинг моҳияти ёритилган. Шунингдек, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институтининг мақсади, асосий вазифалари борасида олимларнинг фикрлари ўрганилиб, муаллифнинг хулосалари берилган.

Калит сўзлар: айб, айбга иқрорлик, айбга иқрорлик бўйича келишув, далиллар, жиноятни очишга кўмаклашиш, жиноят процессидаги имтиёзлар, қилмишни энгиллаштирувчи ҳолатлар.

ТОШЕВ Отабек Содиқович

Начальник отдела Исследовательского института
правовой политики при Министерстве юстиции

Email: otabek_toshev@inbox.ru

НАЗНАЧЕНИЕ И СОЦИАЛЬНАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ ВНЕДРЕНИЯ ИНСТИТУТА СОГЛАШЕНИЯ О ПРИЗНАНИИ ВИНЫ В УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС

АННОТАЦИЯ

В статье автор проанализировал назначение и социальную необходимость введения института соглашения о признании вины, ее особенности, основные нормы, важные аспекты процедуры этого соглашения, и положительные и отрицательные

стороны этого института. Выделена роль суда при составлении соглашения, различия между такими понятиями, как «соглашение о признании вины», «договор о сотрудничестве» и «сокращенные формы судебных дел». Были изучены мнения ученых относительно цели и основных задач института соглашения о признании вины, приведены авторские выводы.

Ключевые слова: вина, признание вины, соглашение о признании вины, доказательства, содействие в раскрытии преступления, льготы в уголовном процессе, смягчающие обстоятельства ситуации.

TOSHEV Otabek

Head of Department Research Institute for Legal Policy

Under the Ministry of Justice

Email: otabek_toshev@inbox.ru

THE PURPOSE AND SOCIAL NECESSITY OF INTRODUCING THE INSTITUTION OF A PLEA AGREEMENT IN THE CRIMINAL PROCESS

ANNOTATION

The article analyzes the purpose and social necessity of introducing the institution of a plea agreement into the criminal process, the features of the application of this institution, explores the main provisions of the law regarding plea agreements, important aspects of the plea agreement procedure, the advantages and disadvantages of this institution. The role of the court in concluding a plea agreement, the differences between such concepts as “plea agreement”, “cooperation agreement” and “abbreviated forms of litigation”, as well as their essence are highlighted. In addition, the views of scientists on the appointment and main functions of the institution of admission of guilt are studied, the author’s conclusions and conclusions are presented.

Keywords: guilt, plea guilt, plea bargain agreement, evidence, assistance in the detection of a crime, benefits in the criminal process, mitigating circumstances of the situation.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув – гумон қилинувчи (айбланувчи) нинг жиноий қилмиши учун жазони сезиларли даражада камайтириш эвазига мазкур жиноятни тезкор тергов қилинишига кўмаклашишдан иборат ихтиёрий мажбуриятига асосланган ярашув (муроса) битимларидан бири ҳисобланади. Сўнги пайтларда ярашув тартиботлари негизидаги шартномавий муносабатлар миллий жиноят процессига тобора кучли таъсир ўтказиб бормоқда. Мамлакатимиз жиноят қонунчилигида айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги ҳамда 2001 йилда жорий этилган жабрланувчи билан ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш каби нормалар мавжудлиги қонун чиқарувчи жиноий-ҳуқуқий низоларни ҳал қилишнинг муроса (келишув) усуллари ишлаб чиқишга қаратилган жиноий сиёсат тизимини барпо этиш йўлидан изчиллик билан одимлаб кетаётганидан дарак беради.

Келишув жиноятчиликка қарши курашда бутун дунёда урф бўлаётган [1, 2, 3, 4, 5] жиноятчи ва жабрланувчи, жамият ўртасида муроса йўлини топиш концепциясида асосий ўрин эгаллайди. Х.Д. Алиқперов, М.А. Зейналовлар илгари сурган фояга кўра, жиноятчиликка қарши курашишда муросага келиш тушунчаси остида, қонун чиқарувчининг айрим фуқароларни жиноятга қарши курашда фаол иштирок этишга қизиқтириш, бошқаларни эса – жиноят содир этишдан ихтиёрий воз кечишга, жиноят содир этишга улгурганни эса – жиноий судлов органлари билан уларни

жиноий жавобгарликдан озод қилиш ёки жазони белгиланган тартибда ва миқдорда қисқартириш эвазига ҳамкорлик қилишга ундаш тушунилиши керак [6].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 62¹-бобида назарда тутилган тартибот – бу гумон қилинувчи ва айбланувчиларни тергов органлари билан ҳамкорликка жалб этиш орқали жиноятларни фош этиш ва тергов қилишнинг энг тезкор усулларида биридир. Бундай механизм жиноят одил судловининг бутун тарихи давомида амалиётда мавжуд бўлган, бироқ унинг Ўзбекистонда жиноят-процессуал қонунчилик тартибида мустақамланиши фақат 2021 йилда амалга оширилди. Келишув институтини қўллаш ёрдамида турли тоифадаги кўплаб жиноятларни очиш мумкин.

Қонунда қайд этилишича, агар шахс бир нечта жиноят содир этиб, улардан камида биттаси Жиноят процессуал кодекснинг 586¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тоифасига мос келмаса, яъни ўта оғир жиноят туркумига кирса, келишувни тузиш мумкин бўлмайди.

Ўзбекистон жиноят процесси учун новелла бўлган айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институти ҳақида миллий процессуал фанда ҳозирча илмий тадқиқотлар ва чиқишлар кўп эмас. Жумладан, бу мавзуда ўз фикр ва мулоҳазаларини У.А. Тухташева, Г.З. Тулаганова, Б. Саломов, Д.Базарова каби олимларни айтиб ўтишимиз мумкин. Аммо, бу олимлар мазкур институтнинг умумий тушунчаси ва моҳиятига тўхталиб, алоҳида тарзда унинг процессуал мақсадлари ва вазифаларини очиб беришмаган.

Таҳлил қилинаётган жиноят-процессуал институт ўз мақсадига кўра бир қатор функцияларни амалга оширишга ҳисса қўшиш учун мўлжалланган. Биз келишувнинг амалда мавжуд функцияларини умумий ва хусусий вазифаларга ажратамиз. Келишувнинг умумий функцияларига бизнингча, Конституцияда мустақамланган инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шунингдек, жиноят одил судловининг мақсадини амалга оширишга доир вазифаларни киритиш жоиз. Келишув институтини қўллашда энг жиддий қийинчилик шахсни ноқонуний ва асоссиз айблаш, ҳукм қилиш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини асоссиз чеклашдан ҳимоя қилиш функциясини амалга оширишдир. Бу хатарлар келишув субъекти томонидан айбдорнинг содир қилган қилмишидаги ролини камайтириш мақсадида бошқа шахсларнинг мазкур жиноятга алоқадорлиги тўғрисида нотўғри маълумотлар бериш эҳтимоли билан боғлиқ.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш умумий функциясидан ташқари, келишув институти, шунингдек бир қатор хусусий вазифаларни амалга оширишга ҳисса қўшиши мумкин, уларга жумладан, рағбатлантириш, превентив-тарбиявий, тартибга солиш функцияларини, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва адолатни тиклаш каби функцияларни айтиш мумкин.

Амалиётчиларнинг фикрича, жиноят-процессуал қонунчилигига жорий этилган айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувнинг бош мақсади — айбланувчининг содир этган жинояти юзасидан иқрорлиги асосида судда енгилроқ жазо тайинланишига эришиш, шунинг баробарида, кўплаб **сансалорликларга сабаб бўладиган** узоқ давом этувчи суд жараёнларини қисқартиришдан иборатдир [7, 8].

Ўз навбатида, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувнинг энг муҳим вазифаси – бу жиноятни тезкор суръатда очиш, жиноий йўл билан қўлга киритилган мулкни излаб топиш, шунингдек, хавфли жиноятни содир этган жиноятчилар, яъни айбланувчи иштирокчиларини қўлга олиш (агар бу жиноятга алоқадор бошқа ахборотни тақдим этишга доир мажбуриятлари билан белгиланган ва айбланувчи бунга розилик берган бўлса) имкониятидир. Таҳлил қилинаётган институтнинг яна бир муҳим ва ижтимоий жиҳатдан талаб кучли функцияларидан бири – бу содир этилган қилмиш учун қонун даражасида жиноий санкцияни енгиллаштиришни кафолатлаш орқали гумон қилинувчини, айбланувчини рағбатлантиришдан иборат. Шубҳасиз, гумон

қилинувчи (айбланувчи)ни айбига иқрорлик тўғрисида ариза бериш мотиви жазони имкон қадар енгиллаштиришдир.

Келишув институти функцияларини бажариш кўп жиҳатдан, содир этилган жиноятни очиш фактининг, жиноий (ноқонуний) фаолият билан шуғулланувчи шахсларга ҳамда, умуман аҳолига таъсир қилиш орқали содир қилинган жиноий қилмиш учун жазо муқаррарлиги ҳиссини уйғотишда намоён бўладиган тарбиявий ва профилактик функцияни амалга оширишга ёрдам беради. Айтилганда, таҳлил қилинаётган институт, қонунда мустақамланган **жазони камайтириш кафолати** орқали жиноий жавобгарликка тортилган шахсларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик қилиш кўламини кенгайтиришга ҳисса қўшади.

Қайд этиш лозимки, Россияда 2009 йилда ҳамкорлик тўғрисида судгача келишув жорий этилганлиги туфайли, аксарият муаллифлар [9] ушбу процессуал келишув институти мақсадини жиноятчиликка қарши курашиш билан боғлашади [4, 5]. Мисол учун, И.Э.Звечаровскийнинг фикрича, “асосий мақсади – айбга иқрор бўлиш, жиноятнинг квалификацияси ва жазо тайинлаш бўйича келишувга эришиш бўлган хорижий аналоглардан (хусусан, АҚШ, Испания, Италия, Германия қонунчилигида назарда тутилган) фарқли равишда, Россияда ҳамкорлик тўғрисида судгача келишув институти жорий этишнинг мақсади – бу ижобий посткриминал ҳаракатларни рағбатлантиришдир” [4]. Бу борада олим фикр юритган хорижий аналоглар таркибига Ўзбекистонни ҳам қўшиш мумкин, чунки бизнинг ЖПКда ҳам келишувнинг бош мақсади – бу айбланувчи айбига иқрор бўлиши, у содир этган жиноят квалификацияси ва жазо тайинлаш бўйича ўзаро мurosали келишувга эришишдир.

Тадқиқотчи Л.Г.Татьянина илгари сурган ҳаққоний фикрига кўра, жиноят суди иш юритувида “одил судлов билан келишувлар”, энг аввало, жиноят процесси мақсадларини самарали амалга оширишни таъминлаш, моддий ва инсон ресурсларини оқилона тежаш, айбланувчига тергов ва суд органларига жиноятларни очиш ва тергов қилишда кўмаклашиш имкониятини беришга қаратилган [10]. Биз А.С. Александровнинг қуйидаги фикрига қўшилиш мумкин деб ҳисоблаймиз, унингча процессуал келишув институти аҳамияти “жиноятчиликка қарши курашнинг янги, замонавий, мураса йўлини топишга асосланган услубига, жиноий репрессияни танлаш асосида қўллашга ўтишда, айбловчи ҳокимият ва айбланувчилар ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини кенгайтиришда” намоён бўлмоқда [9, 11].

Процессуал келишувнинг жиноят-процессуал механизми мақсадини ўрганишда, унинг ахлоқан тузатишдаги ўрнини эслатиб ўтмасликнинг иложиси йўқ. Жумладан, дастлабки тергов босқичида жиноятни содир этган шахсда, тузалиш йўлига кириш учун ҳақиқий имконият пайдо бўлади, бу эса, ўз навбатида нафақат унинг ўзи учун ижобий жиҳатдир (жазо муддатини ёки миқдорини камайтириш имкони), балки жамият, умуман давлат учун муҳим аҳамият касб этади (жиноий жазонинг мақсадларидан бири – маҳкумни ахлоқан тузалишига эришилади).

Ушбу ўрганилаётган жиноят-процессуал механизмнинг **олдини олиш аҳамияти** ахлоқан тузатиш мақсади билан чамбарчас боғлиқдир. Ўтказилган таҳлил жиноят-процессуал қонунчиликдаги ушбу новелланинг умумий ва шахсий (индивидуал) олдини олиш вазифасини ажратиб кўрсатиш имконини беради. Индивидуал олдини олиш шундан иборатки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан келишув, айрим олимларнинг фикрича, “мурасага келадиган айбланувчилар учун жуда хавфли, чунки ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими билан ҳамкорлик қилганлар, қоида тариқасида, бунинг учун жиноий шериклари томонидан ўлимга ҳукм қилинади” [12].

Умумий олдини олишнинг аҳамияти шундаки, гарчи муҳимлиги индивидуал олдини олишга нисбатан камроқ бўлса ҳам, жиноий фаолият иштирокчиларида ўз ҳамтовоқлари “содиқлиги” борасида ишончини пасайтиради, чунки ушбу институт ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликни “рағбатлантиради”. Охир-оқибат, бу, бир томондан, жиноий шерикларни янада синчковлик билан танлашга,

иккинчи томондан эса – юқоридаги сабабга кўра, ушбу шахс томонидан жиноят содир этиш ғоясидан умуман воз кечишга олиб келиши мумкин.

Бундан ташқари, келишувнинг жиноят-процессуал механизми **қўриқлаш функциясини** бажаради, чунки у шахсни, жамиятни ва давлатни айбланувчи ёки гумон қилинувчининг тергов органларига берган ахбороти натижасида аниқланган жиноятчилар тажовузидан ҳимоя қилишга қаратилган. Келишувнинг жиноят-процессуал механизмини амалга ошириш давлатнинг ваколатли органларига ёрдам берган шахсга нисбатан ахлоқ-тузатиш чораларини тезкорлик билан қўллашга ёрдам беради, шу орқали жиноий жавобгарлик амалга оширилиши суръати тезлашади, латент жиноятлар даражаси пасаяди, очилмаган жиноятлар сони ҳам камайиб боради.

Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, Давлатимиз раҳбари "...айбдор шахслар жавобгарлиги муқаррарлигини таъминлаш"ни заруратини кўрсатиб ўтган [13]. Демак, келишув бўйича норматив қоидалар жиноий жазонинг муқаррарлиги ва индивидуаллашуви тамойилини амалга оширишга ёрдам беради, деб айтиш мумкин.

Таҳлил қилинаётган механизмнинг жиноят-процессуал мақсади, энг аввало, жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахснинг жазосини кафолатланган тарзда қисқартириш, шунингдек, процессуал чиқимларни иқтисод қилишда ҳам гавдаланади. Илгари амалиётда бўлган оғзаки махфий битимлар, улар ҳақиқатда амалга ошишининг ҳеч қандай кафолатсиз, қолаверса ўзаро ишонч асосида қурилган. "Амалиётда, томонлар соғлом фикр ва ўзининг процессуал манфаатларини кўзлаган ҳолда, бундай муносабатларга киришиши одатий ҳол, - деб ёзади В.В. Николайченко, - бундай битимларнинг шакллари ихтиёрий бўлиб, амалдаги қонунчилик талабларига деярли мос келмайди, аммо айтиш мумкин, унинг мақсад ва тамойилларига зид эмас. Бироқ, иш ҳужжатларида келишув изларидан асар ҳам бўлмайди" [12].

Ўз вақтида тадқиқотчи П.Ф.Пашкевич судга суд терговини қисқартириш ҳуқуқини беришни таклиф қилган, бунинг учун, тўпланган далиллар жиноят ишини тўғри кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун етарли бўлиши талаб этилган [14]. Бироқ, муаллифнинг мазкур ёндашуви П.С. Элькинд танқидига учраган. Унинг фикрига кўра, жиноий иш юритишда соддалаштирилган шаклдан фойдаланиш қуйидагиларга олиб келиши мумкин: жиноят иши бўйича далилларни тўлиқ тўпланмаслиги, бунда шахснинг ўз айбига иқрор бўлиши устуворлик касб этади; суд мажлисида иш бўйича тўпланган далилларнинг ўрганилмаслиги ёки тўлақонли тартибда ўрганилмаслиги; суд жараёнининг тарбиявий таъсири камайиши [15].

Назаримизда, соддалаштирилган суд юритуви тартибига нисбатан бундай қарши мулоҳаза баҳсли, чунки жиноят иши судга етиб келганда, судья айбловни асослантирувчи далиллардан иборат жиноят иши материалларини мустақил равишда ўрганади. Бундан ташқари, судья ҳукми чиқаришда нафақат судланувчининг ўз айбига иқрор бўлишини, балки ишдаги бошқа далилларни ҳам ҳисобга олади. Маълумки, ҳукм фақат айбига иқрорликка асосланиши мумкин эмас. Келишув тўғрисидаги қоидаларни қўллашнинг мантиқий натижаси – бу мазкур жиноят иши бўйича суд ишини юритишни тезлаштириш ва соддалаштиришдир. Бунга ЖПКнинг 586⁷-моддасида мустаҳкамланган суд муҳокамасини ўтказиш тартиби ҳам ишора қилади, унинг давомида ушбу жиноят иши бўйича суд тергови соддалаштирилган шаклда амалга оширилади, гувоҳлар сўроқ қилинмайди ва судланувчининг унга қўйилган айблови бўйича айбдорлигини тасдиқловчи далилларга баҳо берилмайди. Процессуал чиқимларни иқтисод қилишдан ташқари, айбга иқрорлик келишуви институти жиноятларни тезкор ва самарали аниқлаш ва тергов қилишга ёрдам беради. Бу фикрни асослаш учун шуни таъкидлаш мумкинки, айбга иқрорлик келишувида, жумладан, содир этилган жиноятни фош этиш, жиноят иши бўйича далилларни тақдим этиш, жиноий йўл билан орттирилган мол-мулкни аниқлаш бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи келишув имзоланганидан кейин бажаришни ўз зиммасига оладиган ҳаракатлар қайд этилади.

Айни чоғда тадқиқотчилар У.Хамидуллаева ва А.Мухитдиновларнинг, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув, ҳеч шубҳасиз, айбсизлик презумпцияси тамойилини бузиши ҳақидаги фикрида жон бор, чунки шахс ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас [16]. Бу терговни амалга оширувчи органлар ваколатига киради. Бундан ташқари, бундай келишувларни тузишда коррупциявий хатарлар мавжудлигини ҳеч ким инкор эта олмайди.

Бироқ, ушбу олимлар ҳам мазкур институтнинг ижобий жиҳатлари, шу жумладан, давлат бюджети сарф-харажатлари иқтисод қилиниши, суд иш юритуви жадаллашуви, жарбланувчининг ҳуқуқ ва манфаатлари тезкорлик билан тикланиши, тергов-суд органлари иш юкломаси пасайишини, салбий тарафлари ўрнини босиб кетишини қайд этишади.

Дарҳақиқат, айбланувчи ёки гумон қилинувчининг айбига иқрор бўлиши муносабати билан жиноят содир этилган пайдан бошлаб тегишли шахснинг судланишигача бўлган вақт оралиғи қисқаради. Демак, айтиш жоизки, келишув институти дастлабки терговнинг оқилона ва тезкор ўтказилишига ёрдам беради. Келишув қоидаларини қўлланиши дастлабки терговни имкон қадар камчиқим ва инсон кучини оқилона сарфлаган ҳолда ўтказиш имконини беради. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари айбланувчи ёки гумон қилинувчининг фаол ёрдами билан барча керакли тергов ҳаракатларини тезкор равишда амалга оширади.

Шу билан бирга, терговни олиб боровчи шахс ўз кучини ахборот-билиш ва процессуал аҳамиятга эга бўлган исботловчи маълумотларни тўплаш ва текширишга оқиллик билан самарали сарфлайди. Жиноят содир этган шахсни аниқлай олмаслик, жиноят процесси ўз мақсадларига эриша олмай қолгани, олдига қўйилган вазифалар бажарилмаганидан дарак беради. Айбга иқрорлик тўғрисидаги процессуал келишув жиноят-процессуал механизми давлатнинг ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва мансабдор шахслари томонидан муайян шахсни жиноят содир этишда фош этиш бўйича процессуал фаолияти мақсадига эришишига бевосита кўмаклашади.

Юқоридагиларни умумлаштириб, келишув тузишда айблов томоннинг мақсади қуйидагилардан иборат деб ҳисоблаймиз:

- содир этилган жиноятни тезкорлик билан фош этиш;
- айбланувчи томонидан жиноят содир этиш натижасида олинган моддий қимматликларни топиш ва қонуний мулкдорга қайтариш;
- жиноятни содир этишда иштирокчи мавжуд бўлса, улар юзасидан маълумот олиш (аммо бу, фақат келишувда айбланувчи бундай маълумот беришга розилиги олинган бўлса, амалга оширилади);
- жабарланувчига етказилган зарарни қоплаш;
- жиноят содир этган шахсга унинг ижобий ҳулқ-атворидан келиб чиқиб, мос енгилроқ жазони тайинлаш.

Уз навбатида, гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг келишув тузиш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилишдан асосий мақсади – бу, шубҳасиз, қилмиш учун жазони имкон қадар камайтириш ёки уни ўташдан халос бўлиш, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазодан қутулиб қолишдир.

Шунга асосланиб, айтишимиз мумкинки, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув – бу ижтимоий хавфли қилмишларни тезкорлик билан очиш ва тергов қилишга кўмаклашувчи, яраштириш тартиб-таомиллари тизимига кирадиган диспозитив тусдаги жиноят-процессуал институт бўлиб, унинг доирасида жиноий жавобгарликка тортилган шахс, ўзининг қилмиши учун жазони енгиллаштириш эвазига жиноий қилмишни содир этишда ўз айбига иқрор бўлиб, жиноятни очишда фойдали бўлиши мумкин бўлган қимматли маълумот билан таъминлайди, шунингдек етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш чораларини кўради.

Сўнги масала бўйича қайд этиш лозимки, 2021 йил давомида Ўзбекистон жиноят ишлари бўйича судларда жами 61 минг 263 нафар шахсга нисбатан 47 минг

657 жиноят иши кўриб чиқилган бўлиб, шундан 120 нафар шахсга нисбатан 88 та жиноят иши айбга иқрорлик тўғрисида келишув тасдиқланган. Шунингдек, мазкур тоифадаги ишлар бўйича содир этилган жиноятлар оқибатида тарафларга етказилган жами 6 миллиард сўмдан зиёд зарар қопланди [17]. Бундан келиб чиқадики, айрим олимлар [18, 19] томонидан илгари сурилган, мазкур институтнинг жабрланувчилар учун салбий оқибатлар келтириши мумкинлиги ҳақидаги фикрлари ҳозирча ўзини мутлақо оқламади.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги процессуал келишувнинг жиноий-процессуал механизми қандай мақсадга эга эканлиги борасида шундай фикрни илгари суришимиз мумкин:

биринчидан, келишувининг **ижтимоий-ҳуқуқий мақсади** қуйидагиларда намоён бўлади:

жиноятчиликка қарши кураш;
жиноий жавобгарликка тортилган шахсни дастлабки тергов босқичида ахлоқан тузалишига кўмаклашиш;
жиноятларни индивидуал ва умумий олдини олиш;
қўриқлаш функциясини бажариш;
ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига ҳақиқатда кўмаклашган шахсга тезкор, энгил шартлардаги ахлоқан тузатиш чораларини қўллаш;
латент жиноятчилик даражасини, очилмай қолган жиноятлар сонини камайтириш.

Иккинчидан, келишув механизмнинг **жиноят-процессуал мақсади** қуйидагилардан иборат:

жиноятларни тез ва самарали аниқлаш ва тергов қилиш;
процессуал чиқимларни тежаш;
жиноий суд иш юритувини мақбул тарзда ташкил этиш;
айблов ва ҳимоя томонлари ўзининг процессуал фаолияти мақсадига эришишига кўмаклашиш;
ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёрдам берган шахсга жазонинг энгиллаштирилишини кафолатлаш;
жабрланувчига етказилган зарарни тезкор ва амалда қопланишини таъминлаш.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Головки Л.В. Альтернативы уголовному преследованию в современном праве. - СПб.: Юрид. центр Пресс, 2002. - 544 с.
2. Гуценко Г.Ф., Головки Л.В., Филимонов Б.А. Уголовный процесс западных государств. - М.: ИКД «Зерцало-М», 2001. - 480 с.
3. Дубовик М.П. «Сделка о признании вины» и «особый порядок»: сравнительный анализ// Рос.юстиция. - 2004. - № 4. - С. 52, 53;
4. Звечаровский И. Юридическая природа института досудебного соглашения о сотрудничестве// Законность. - 2009. - № 5. - С.14, 15.
5. Прилуцкий П.В. Визнання вини: сучасний погляд на стару проблему// Вісн. Верхов. Суду України. - 2005. - № 8 (60). - С. 44, 45.
6. Аликперов Х.Д. Освобождение от уголовной ответственности [Текст]. – М.: Институт повышения квалификации руководящих кадров Генеральной прокуратуры Российской Федерации, 1999. – С.52.
7. А.Абидов. Айбга иқрорлик бўйича келишув институтнинг қандай афзалликлари бор? [http://hudud24.uz/aybga-i%d2%9brorlik-b%d1%9eyicha-kelishuv-institutning-%d2%9banday-afzalliklar i-bor](http://hudud24.uz/aybga-i%d2%9brorlik-b%d1%9eyicha-kelishuv-institutning-%d2%9banday-afzalliklar-i-bor);
8. Ш.Ахмедов, Н.Шарипова. Айбга иқрорлик бўйича келишув – қонунчиликдаги янги институтнинг афзалликлари / <https://sud.uz/1103-2/>
9. Александров А.С. Соглашение о досудебном сотрудничестве со следствием:

правовая сущность и вопросы толкования норм, входящих в главу 40¹ УПК РФ // Уголовный процесс. – 2009. – № 8. – С. 3.

10. Татьяна Л.Г. «Сделки с правосудием» в России и США: позитивные и негативные аспекты // Проблемы применения досудебного соглашения о сотрудничестве по уголовным делам: материалы межрегион. науч.-практ. семинара. Ижевск, 2010. С. 13-14.

11. Александров А.С. Подход к преодолению противоречия в законе, регламентирующего заключение и реализацию досудебного соглашения о сотрудничестве по уголовному делу // Уголовное право. – 2011. – № 1. – С. 55.

12. Николайченко В. В. Пенитенциарные и постпенитенциарные преступления как объект криминалистического исследования / Под ред. В. И. Комиссарова. Саратов, 2006. Ч. 2. С. 68–69.

13. <https://uzreport.news/politics/shavkat-mirziyoev-ne-narod-doljen-slujit-gosudarstvennim-organam-a-gosudarstvennie-organi->

14. Пашкевич П. Ф. Рациональное исследование и использование доказательств в уголовном судопроизводстве. Проблемы совершенствования советского законодательства. М., 1976. С. 175

15. Горский Г. Ф., Кокорев Л. Д., Элькинд П. С. Проблемы доказательств в уголовном процессе. Воронеж, 1978. С. 88–89.

16. Хамидуллаева У., Мухитдинов А. (2021). Соглашение о признании вины как форма упрощённого производства по уголовным делам: опыт зарубежных стран. Ж. Актуальные проблемы гуманитарных наук, № 1, С.70–75 // https://inlibrary.uz/index.php/problems_of_humanities/article/view/3638

17. Айбга иққорлик келишуви тўфайли 6 миллиард сўмдан зиёд зарар қопланди. https://uza.uz/uz/posts/aybga-iqrorlik-kelishuvi-tufayli-6-milliard-somdan-ziyod-zarar-qoplandi_357407

18. Сумачев А.В., Морозов В.И., Мильтова Е.В. Уголовно-правовая характеристика деятельности, направленной на достижение задач правосудия (примирение сторон и досудебное соглашение о сотрудничестве). Учебное пособие. – Тюмень, 2011. – С. 46.

19. Шаталов А.С. Принятие судебного решения при заключении досудебного соглашения о сотрудничестве: правовая регламентация, проблемы, тенденции и перспективы // Уголовное судопроизводство. – 2010. – № 2. – С. 17.